



**“МАВАХИБУ-Л-ЛАТИФА” АСАРИНИНГ ҲАДИСЛАРНИ БАЁН  
ҚИЛИШ УСУЛИ**

<https://doi.org/10.5281/zenodo.12674486>

**Анваров Элёрбек Музаффарбек ўғли**

*ЎзХИА таянч докторанти*

*тел. +998909854309, e-mail. anvarovelyorbek1996@gmail.com,*

**АННОТАЦИЯ**

Ушбу мақолада Муҳаммад Обид Синдий Айюбий ҳадис илмига қўшган ривожни ҳамда ҳадис шарҳлашдаги усули баён қилиб берилган. Муҳаммад Обид Синдий туғилган ва яшаган даврини ёритиш жараёнида атрофдаги илмий муҳитнинг инсонни олий бўлиб етишишида катта рол ўйнашини баён қилинди. Синдийнинг илм олиш ва илм беришдаги ҳадис илмига қўшган хиссаси, унинг бошқа ҳадис шарҳларидан фарқли усуллари, ажралиб турадиган жиҳати, асарлари, алломанинг ҳадис илмдан ташқари бошқа илмларда йетук бўлганликлари, илм олиш йўлидаги матонати ва азиятларга сабр қилиши, бу инсонинг янада етук шахс бўлганини келтирилиб ўтилди.

**Калит сўзлар**

Муҳаммад Обид Синдий, ҳадис илми, санад, мутаботир, ровий.

Шавкат Мирзиёев Бухоро вилояти Абдуҳолик Ғиждувоний мақбараси зиёрати чоғида ватанимиз алломаларга бой ўлкалигини ва улар қолдириб кетган меросни ўрганиш ва оммага тақдим қилиш лозимлигини таъкидлаб: “Бундай маънавий хазина бошқа ҳеч қаерда йўқ. Бу хазинани мукамал ўрганиш, одамларга, ёшларга осон тилда етказиш керак. Мақсадимиз – ёшларимиз ўзимизнинг алломаларга эргашсин, меросини билсин, улар билан фахрлансин”, деди<sup>58</sup>.

Дарҳақиқат, Шавкат Мирзиёев айтганидек, аждодлар қолдириб кетган меросни ўрганиш, уни тадқиқ қилиб кенг оммага етказиш ва алломаларга эргаштириш бугунги кунда ҳар қачонгидан ҳам муҳим бўлиб турибди. Чунки ҳозирги кунда адашган гуруҳлар, фирқалар кўпайди ва айниқса, тўрт мазҳабдан бирортасини тан олмайдиган бемазҳаб тоифа ҳам ўз қарашларини халқ орасида сингдиришга ҳаракат қилмоқда. Улар асрлар мобайнида амал қилиниб келинаётган ханафий мазҳабига нисбатан ноўрин гапларни айтмоқда. Улар Имом Абу Ҳанифа роҳматуллоҳу алайҳининг шахсиятига, мазҳабига қарши туҳмат гапларни айтиб, у кишини ҳадис илми борасида

<sup>58</sup> <http://fargonaziyo.uz>



танқид қилмоқда. Ваҳоланки, Имом Абу Ҳанифа роҳматуллоҳу алайҳи фикҳда бўлганидек ҳадисда ҳам ўз замонасининг етук олими бўлган. У кишининг Муснад асарлари сўзимизга ёрқин мисол бўла олади.

“Маваҳибу-л-латифа” асарининг муаллифи замондошлари томонидан “Имом аъзам Абу Ҳанифанинг суюклиги, кўзларни очувчи сўз соҳиби, масалаларни дақиқ билувчи хазина” дея таърифланган етук олим, Имом Абу Ҳанифа (р.х.)нинг “Муснад” асарига ёзилган машҳур шарҳ “ал-Маваҳиб ал-Латифа”нинг муаллифи Муҳаммад Обид Синдий 1190/1776 сана атрофида Шарқий Ҳиндистонинг Синд шаҳри, Сийвон қишлоғида туғилган. Муҳаммад Обид Синдий машҳур саҳоба Абу Айюб ал-Ансорий авлодларидан бўлиб, шажараси қуйидагича: Муҳаммад Обид ибн Аҳмад Али ибн Муҳаммад Мурод ибн Муҳаммад Яъқуб ибн Маҳмуд ибн Абдурраҳмон ибн Абдурахим ибн Муҳаммад Анас ибн Абдуллоҳ ибн Муҳаммад Жобир ибн Муҳаммад Холид ибн Молик ибн Абу Авф ибн Ҳассон ибн Солим ибн Ашъас ибн Матт ибн Саълаба ибн Жунайд ибн Муқаддам ибн Шурахбил ибн Ашъас ибн Матт ибн Абу Айюб Ансорий .

Аллома улғайган оила йирик олимлар хонадани бўлиб, илк сабоқларни бобоси Шайх Муҳаммад Мурод Ансорийдан олган, кейинчалик отаси Шайх Аҳмад Али Ансорий ва амакиси Шайх Муҳаммад Ҳусайн Ансорий кўлида таҳсилни давом эттирган. Олим улғайган уй унинг биринчи мактаби бўлиб, гўзал таълим ва тарбия олиб ўсди . У олган илмларининг аксарини амакисидан олганб, хусусан, ақлий ва нақлий илмларни, шунингдек, тиб илмини ҳам амакисидан ўрганди. Тенгдошларидан фарқли ўлароқ Муҳаммад Обид ёшлигидан илмга катта қизиқиш пайдо бўлган, дарсни яхши кўрар, кўп китоб ўқир эди .

Улғайгач илмий сафарга отланиб, Ҳижозга кўчиб ўтди, Макка, Тоиф ва Жидданинг катта шайхларидан таҳсил олди. Шунингдек, амакиси билан Яманга сафар қилганида, Яманнинг кўзга кўринган олимларидан таълим олган ва уларнинг маърифий сўхбатларидан баҳраманд бўлган. Шунинг учун, қачон Яман шайхларини эсласа олим: “Кўп юртларни кездим, Санъо олимларидек илм ва ҳадисларни чуқур ўрганган, насс (асл матнлар: оят-ҳадис)даги буйруқларга борлиғи билан амал қиладиган олимларни кўрмадим”, дер экан. Синдий асосан Яманнинг икки вилояти: Забийд ва Ҳудайдада яшаган.

Ўзбекистон ҳудудида азалдан амал қилиб келинаётган ханафий мазҳаби соҳиби Имом Абу Ҳанифа роҳматуллоҳу алайҳининг ҳадис илми борасида етук муҳаддис олимларидан бири бўлгани, у кишининг ҳадисни жамлаган асарларини ўрганиш зарурий масалалардан бирига айланган. Бунга аллома Муҳаммад Обид Синдийнинг ҳадис илми борасида ёзилган “Маваҳибу-л-

латифа” асари ёрқин мисол бўла олади. Муҳаммад Обид Синдий раҳматуллоҳи алайҳ ушбу китобни 1235/1819 санадан олдин ёзиб битирган. Чунки, Шайх Ориф Ҳикмат деган шогирдига 1235/1819 санада ижоза ёзаётганда қуйидаги сўзларни ёзган:

“... Ориф Ҳикматга “Саҳиҳ Муслим” китобининг бошидан Намоз китобигача ва “Муснад Абу Ҳанифа» китобига ёзган биринчи шарҳимни эшитиш насиб қилди”<sup>59</sup>.

Ушбу китобни кўп олимлар мақтаган. Жумладан «Ал-яниъ ал-жаний» китобининг муаллифи Муҳаммад ибн Яҳё Таймий шундай деган:

«Мавоҳибул латифа» китоби ажойиб китоб бўлиб, у ҳам фақиҳ ҳам муҳаддисга кўп фойда беради»<sup>60</sup>.

Ушбу асарнинг ҳадис илмида алоҳида эътиборга молик томони шундаки, аллома асарни ёзишдан фанга боғлиқ ўна бешта йўналиш ҳақида гапирган ва кенг ёритган. Қуйида уларни тартиб билан келтириб ўтамыз:

#### **1. Мавзуларни синфларга ажратиш:**

Маълумки Абу Ҳанифа роҳматуллоҳу алайҳи(р.а)нинг ушуб асари муснад йўналишида ёзилган. Муснад йўналишида ёзилган асарларнинг бошқа ҳадис китоблардан фарқи шундаки, у унда муаллиф ҳадисларни маълум мавзулар асосида тартиб билан келтирмайди.

#### **2. Санад ҳақида гапириш:**

Муҳаммад Обид Синдийнинг алоҳида ажралиб турадиган томони, у ҳар бир ҳадиснинг санади ҳақида албатта тўхталиб ўтади.

#### **3. Ҳадисни саҳиҳга чиқариш:**

Ҳадисни саҳиҳга чиқариш учун олимдан жуда кўп нарса талаб қилинади.

#### **4. Ҳадисни матоватирлигини кўрсатиб бериш:**

Ҳадис санад жиҳатидан саҳиҳ, ҳасан, заифга бўлинса, туруқ яъни ҳадис ривоят қилинган сандаларининг бир неча йўллиги жиҳатидан, мутавотир, машҳур ва оҳодга бўлинади. Бир ҳадисни мутавотир яъни машҳур қилиш учун, муҳаддис барча ҳадис тўпламларини ўқиб чиқган бўлиши керак.

#### **5. Ҳадиснинг бошқа йўллари санаб чиқиш**

Имом Аъзамнинг «Муснад» асарларида келган 526 та ҳадиснинг икки юздан ортиғига Синдий ҳадиснинг бошқа йўллар билан ривоят қилинган кўриниши зикр қилган. У бу билан ўзи айтганидек, ҳадисни далил олишга ярайдиган даржага олиб чиқган

#### **6. Жарҳ ва таъдил<sup>61</sup> қилиш**

<sup>59</sup> Саид Бектош. Имом фақиҳ муҳаддис шайх Муҳаммад Обид Синдий. – Байрут: Дору башоир ал-исламия, 1987. – Б: 298.

<sup>60</sup> Саид Бектош. Имом фақиҳ муҳаддис шайх Муҳаммад Обид Синдий. – Байрут: Дору башоир ал-исламия, 1987. – Б: 298.



Ушбу илм ҳадис фанига оид катта илм бўлиб, муҳаддис бу илмни излаш учун бутун умраларини сарфлашган.

**7. Ровийларнинг номини аниқлаш:**

Муҳаммад Обид Синдий деярли ҳар бир ҳадис остида ўша ҳадис ровийларининг исми, отасининг исми, куняси (агар бўлса), танилган иккинчи номини албатта зикр қилади.

**8. Ровийларнинг кунясини аниқлаш:**

Муҳаддисларда учраб турадиган энг кўп тарқалган хато бу ровийларнинг кунясида адашиш. Синдий ҳадис ривоят қилган ровийнинг куняси бўлса, албатта уни зикр қилиб ўтади.

**9. Ривоятни мавсуллигини баён қилиш:**

Баъзи муҳаддислар Абу Ҳанифанинг “Муснад” асарида келган аксар ҳадислар мавсул эмас, деб даъво қилишган. Лекин Муҳаммад Обид Синдий бу даъволар нотўғрилигини ушбу асарида исботлаб берган.

**10. Ривоятни мақтуълигини кўрсатиш:**

Шунингдек аллома Синдий ушбу асарида ҳадис санадидаги инқитоъ яъни узулишни ҳам баён қилган.

**11. Амал қилинган ҳадисларни баён қилиш:**

Синдийнинг яна бир мақтовга сазовор жиҳати, у бир бобдаги бир неча ҳадисни келтиргач, ўша ҳадислардан қайсига амал қилингани баён қилиб, ёритиб беради.

**12. Амали тарк қилинган ҳадисларни баён қилиш**

Синдий амали тарк қилинган ҳадисларни ҳам санаб ўтади. У бундай ҳадисларни мансух деб атаган.

**13. Саҳобийнинг тобеиндан ривоят қилиши:**

Гарчи бундай ҳол камдан-кам учраб турсада, тарихда бўлган

**14. Катталарнинг кичиклардан қилган ривоятини баён қилиш**

Бу борада тўртта Абдуллоҳдан яъни Абдуллоҳ ибн Умар, Абдуллоҳ ибн Аббос, Абдуллоҳ ибн Амр, Абдуллоҳ ибн Зубайрлардан катта саҳобаларнинг қилган ривотини мисол қилиш мумкин.

**15. Ровийларнинг тарихини баён қилиш:**

Ровийларнинг туғулган санаси ва туғулиб ўсган жойини билиш ҳадис илми билан шуғулланувчиларга жуда керак бўлган энг муҳим маълумотдир

Юқорида санаб ўтилган илмларнинг ҳар бири учун алоҳида китоблар ёзилган. Алломанинг ҳадисни шарҳлашда ҳадис илмига оид масалаларга тўхталиб кенг қамровли ва батафсил шарҳлаши асарнинг ҳадис илмидаги

<sup>61</sup> Бу илмда олимлар ҳадис ривоят қилган ровийларнинг ишончли, омонатдор, зехни ўткир ёки ёлғончи, унутувчан. Фосиқ ва шунга ўхшаш бошқа сифатларини аниқлаб, унинг ривоят қилган ҳадиси саҳиҳ ёки заифлигини аниқлашади



мавқеини янада кўтаради. Ушбу асарда келган ҳадис илмига оид фан ва масалалардан шу маълум бўладики, «Ал-Мавоҳиб ал-латифа» ҳадис илмида жуда ноёб ва керакли манбаа.

Хулоса қилиб айтганда ушбу асарда аллома ҳадиснинг матнига тегишли илмлар, ҳадиснинг санадига тегишли илмлар, ҳадиснинг тарихига тегишли илмлар, ҳадиснинг фикҳига тегишли илмлар ҳақида батафсил ва кенг маълумот берган.

## ФҲЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РҲЙХАТИ

- 1.Муҳаммад Солиҳий. Уқуд ал-жумон фи манақиб ал-Имом ал-Аъзам. – Макка. Умм ал-қуро университети, 1980. – 204 б
- 2.Муҳаммад Абдуллашид ан-Нуъмоний. Маканату ал-Имом Аби Ҳанифа фи ал-ҳадис. Байрут, 1996. – 285 б
- 3.Абу Ҳанифа ан-Нуъмон Имом ал-аиммати ал-фуқаҳо. – Байрут: Дор ал-қалам, 1993. – 400 б
- 4.Ҳабиб Аҳмад Кийронавий. Абу Ҳанифа (р.а.)ва асхабуху. – Байрут: Дор ал-фикр ал-арабия, 1989. – 589 б
- 5.Муҳаммад Қосим Абдух. Маканату ал-имам Аби Ҳанифа байна ал-муҳаддисийн. – Макка: Дор ал-қалам, 1993. – 469б
- 6.Саййид Афибий. Ҳаяту ал-имам Аби Ҳанифа. – Қоҳира: Дор ал-маориф, 1934. – 600 б
- 7.Зафар Аҳмад Усманий. Эълоус сунан. – Байрут: Дорус салом, 1997. – 400 б
- 8.Ашраф Али Таҳонавий. Имом Аъзам. – Қоҳира: Дорул илм, 1988. – 268 б
- 9.Илме ҳадис ме Имам Абу Ҳанифа (р.а.)ка мақому мартаба. – Дехли, 1997. – 598 б
10. Муҳаммад Обид Синдий. Ал-Мавоҳиб ал-латифа. – Байрут: Дорун наводир, 2013. – 184 б
- 11.Муҳаммад Али Мубҳий. Давлату Усманийин. – Байрут: Дору ихё турос, 1998. – 207 б
- 12.Шайх Абдуссалом Исавий. Тариху салотин Усманийин. – Қоҳира: Дорул маърифат, 2003. – 360 б
- 13.Шайх Мухтор Дира. Ҳаза тарихуна. – Димашк: Дору салом, 2011. – 184б
- 14.Шайх Маҳмуд Абу Роъс. Тариху маждина. – Байрут: Дорул ирфон, 1987. – 378 б